O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI
INV.№




# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • 2001-yil, 23-mart • N13 (3603)


## ХАЛҚ ШОИРИГА ЭҲТИРОМ



**Юртимизда давом этаётган Наврўз тантаналари яна бир қутлуғ воқеага уланиб кетди. Атоқли ижодкор, халқимизнинг ғурур ва ифтихори, Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов 60 ёшга тўлди.**

**Президент Ислом Каримов 22 март куни шоирни Оқсаройда қабул қилиб, таваллуд айёми билан муборакбод этди.**

Абдулла Орипов 60-йилларда ўзбек шеърияти осмонида чақиндек пайдо бўлди. Унинг илк шеърлариёқ адабиёт ихлосмандлари қалби тўридан мустаҳкам жой олди. «Митти юлдуз», «Кўзларим йўлингда», «Руҳим», «Онажон», «Ҳайрат» каби илк шеърий тўпламлари уни катта истеъдод эгаси сифатида тез орада халққа танитди.

Шоирнинг бирин-кетин дунё юзини кўрган «Юзма-юз, «Йиллар армони», «Ишонч кўприклари» каби шеърий тўпламлари, «Ҳаким ва ажал», «Жаннатга йўл», «Ранжком»,»Соҳибқирон» сингари достон ва драмалари ўзбек адабиётини янги босқичга кўтарди, у яратган адабий мактаб миллий тафаккурни янада юксалтиришга беқиёс ҳисса қўшди.

Куни кеча шоирнинг тўйига ўзига хос тўёна бўлиб, тўрт жилдлик асарлар тўплами босмадан чиқди. Шеърият мухлислари учун эса ижодкорнинг барча асарларидан баҳра олиш имконияти туғилди.

Давлатимиз раҳбари бугунги маънавий-маърифий юксалиш даврида Абдулла Орипов шеъриятининг аҳамияти ниҳоятда катта эканини таъкидлади. Суҳбат чоғида адабиётнинг жамият олдидаги вазифаси, унинг ҳаётдан доимо олдинда юриши, одамларга тўғри йўлни кўрсатиши, уларни юксак мақсадлар сари сафарбар этиши лозимлиги ҳақида қизғин баҳс юритилди.

Шу маънода, бугунги куннинг замонавий қаҳрамонларини яратиш, ҳаётга эндигина қадам қўяётган ёшларни ана шу фидойи инсонлар ҳаёти мисолида тарбиялаш адабиётимиз олдида турган муҳим вазифа экани таъкидланди.

Ҳозирги адабий жараёнга танқидий баҳо берар экан, Ислом Каримов, адабиёт аҳли, муҳтарам ёзувчи ва шоирларимиз халқимизга Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги дея мухтасар ифодаланган олий мақсадларимиз моҳиятини, бугунги мураккаб ҳаётимизда ўз фидойилиги, тадбиркорлиги билан бошқаларга ўрнак бўлаётган инсонлар ҳаётини бадиий образлар орқали очиб беришлари керак. Айтмоқчиманки, ижодкорларимиз кўп бўлсин, элим, юртим деб яшасин, замонга муносиб ижод қилсин, дея таъкидлади.

Биз XX аср ўзбек адабиётини Абдулла Қодирий, Ғафур Ғулом, Ойбек каби мумтоз адибларсиз, замонавий адабиётимизни Саид Аҳмад, Эркин Воҳидов сингари ижодкорларсиз тасаввур эта олмаганимиздек, - деди Президент,- маънавий келажагимиз, фаровон ва буюк истиқболимизни Абдулла Орипов ижодисиз ҳам кўз олдимизга келтира олмаймиз. Ҳозирги даврда ҳам унинг шеърлари халқимизни адолат тантанаси, ёруғ келажакка ишонч руҳида тарбиялайдиган юксак маънавий омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари сўзининг ниҳоясида Абдулла Ориповга эсдалик совғаларини топширди.

Қабул маросимида севимли шоиримиз сўзга чиқиб, кўрсатилган улкан эҳтиром учун Президентимизга чуқур миннатдорчилик билдирди.

- Инсон яралибдики, бахт нима деган саволга жавоб излайди,- деди Абдулла Орипов. - Менинг бахтим мана шу хуррият замонини кўриш насиб этганида, деб биламан. Бугун менга билдирилаётган ҳурмат-эҳтиромни адабиётимиз, бутун маданиятимиз намояндаларига кўрсатилаётган эътибор рамзи деб қабул қиламан.

**ЎзА**

***Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповнинг 60 йиллик таваллуд тўйига бағишланган тантанали кеча бугун «Туркистон» саройида бўлиб ўтади.***

## ҚУТЛОВЛАР

### ҚАДРДОН ИНИМ АБДУЛЛА!

***Ўзининг 60 ёшида ука деб аталиш кишига нақадар ёқимли эканини тасаввур этаётирман. Бундай аталиш учун одамнинг олдида оқсоқоллар бўлиши лозим. Мен ана шундайлардан бириман.***

***Шу муносабат билан айтишни хоҳлар эдимки, катта шоир ҳамиша ўз вақтида майдонга келади, у — ҳамиша тарихий. Зотан, катта шоир ўз халқининг овози, унинг орзу-умидлари ва инсон қалби изтиробларининг ифодасидир. Бироқ энг асосийси, у — ўз даврининг ҳаками ва куйчиси, у — жарчи ва файласуф, у сўз сеҳргари ва узлатга чекинган мутафаккир-дарвиш. Буларнинг бари унга қалб изҳорини ҳаммага бирдай тушунарли, севимли ва, шу билан бирга, кўтаринки теран маънолар моҳиятини ифодалаш учун ато этилган. Шу боис шоирнинг сўзларидан замондошлари ҳам, келгуси авлодлар ҳам фахрланиб юрадилар.***

***Абдулла Орипов менга XXI асрга қадам қўйган давримизнинг буюк маданий аҳамиятга молик ана шундай шоири бўлиб гавдаланади.***

***Қадрли укам, ўз миллий позициясини бойитиш ва жаҳон маданияти хазинасига муносиб ҳисса қўшиш учун ўзбек сўз санъати йўлларида шоирлик миссиянгизни давом эттиришингизни тилайман.***

***Табрик ва самимий истаклар билан:***

**Оқсоқол Чингиз АЙТМАТОВ.**

**2001 йил, 14 март**
**Брюссел**

### ҚАДРЛИ АБДУЛЛА!

***60 ёшли умр тўйинг билан қутлаётганимдан бахтиёрман. Доимо навқирон, доимо ростгўй, ҳақ сўзли ва ҳар галгидай гўзал шоир бўлиб қолишингни тилайман.***

**Андрей ВОЗНЕСЕНСКИЙ.**

Москва, Переделкино.
9 март 2001 йил.

## "ЎзАС" ахбороти

Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти билан ҳамкорликда истиқлолнинг 10 йиллигига бағишлаб "Наврўз — азалий ва абадий қадрият" деб номланган илмий анжуман ўтказди.



Анжуман аҳли Наврўзнинг қадимий ва навқирон байрам сифатидаги аҳамияти, унинг тарихий илдизлари, халқ ижодида Наврўз мавзуининг ёритилиши, бу қадимий байрам билан боғлиқ халқ мусиқаси ва тасвирий санъатига доир маърузаларни тингладилар. Тадбирни Миллий рассомлик ва дизайн институти ректори Усмон Қорабоев олиб борди.

*Бу дунёда бир-биридан гўзал, бир-биридан ажойиб байрамлар кўп. Лекин Наврўз айёми беқиёс файзу тароват, кўрку салобати, маъно-мазмуни билан алоҳида ажралиб туради.*

Президент Ислом КАРИМОВнинг Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзидан

## НАВРЎЗ ТАНТАНАСИ ДАВОМ ЭТАДИ



Ўзбек энг муҳим тантаналарини Наврўз арафасига атаб қўяди. Негаки, Навоий ҳазратлари ёзганидек, "Тун-кун тенг экан зоҳир ўлур бўлди чу наврўз". Демак, бу улуғ байрам тенглик тантанасига боғлангани жиҳатидан ҳам қадрлидир. Шу арафада маънавиятимиз юзини кўрсатувчи санъат аҳли сийлов маросими — "Офарин" танлови якуни "Ойнаи жаҳон" орқали мамлакатга намойиш этилди. Шу арафада ёш мусаввирларга соврин бериш тадбири нишонланди ва каттаю кичик конкурслар натижаси эълон қилинди.

Учинчи мингйилликнинг март ойи байрамларга тўла бўлди: Қурбон ҳайити, Аёллар байрами шодиёналари Наврўзи оламга уланиб кетганидан барча шод.

Пойтахт майдонларига эрталабдан халқ оқиб кела бошлади. Чеҳраларда қувонч барқ уради, кичкинтойлар



шоду хуррам. Бу шодиёна ҳамма-ҳаммага тенг татийди. Кўклам насими кўнгилларга илиқлик бахш этади. Худди ҳазрат Навоий хитоби каби:

**Эй юзунг боғи насимида ҳавоий наврўз,**
**Лаъл тожинг бўлуб ул боғда бўстонафрўз.**

Турли-туман мушаклар кўкламнинг мусаффо осмонига ялт-юлт қилиб отилди шу куни. Дастурхонларга сумалак, кўк чучвара, кўксомсалар ва бошқа тансиқ таомлар тортилди, юз билан юзлашаётган нуроний отахонлар, онахонлар дуога қўл очишди. Тинчлик барқарор бўлишини, осмонимиз шундай осуда, мусаффо бўлишини яратгандан тилаб, илтижо қилишди. Тилакларнинг энг каттаси эса ҳазрати Навоий қаламига мансуб:

**Ҳар тунинг қадр ўлубон,**
**Ҳар кунинг ўлсин наврўз!**

Мустақиллигимизнинг ўн йиллиги арафасида кутиб олинаётган Наврўзи олам тантанаси куй-қўшиқлар жаранглаган хиёбонларда, кўклам ҳиди анқиган хонадонларда, келажакдан умидвор, меҳру оқибат қулф урган кўнгилларда давом этмоқда. Зотан, халқимиз ишлашни ҳам, кўнгилни хушлашни ҳам яхши билади.

Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида халқнинг устивор руҳига урғу бериб, жумладан шундай дедилар: "Бугун, мана шу майдонда йиғилганларнинг ҳам, Наврўз тантаналарини "ойнаи жаҳон" орқали томоша қилаётган халқимизнинг ҳам нигоҳи Миллий боғимиз кўркига кўрк, чиройига чирой қўшиб



турган Алишер Навоий бобомизнинг мўътабар сиймосига қаратилган.

Шахсан менга, гўёки ҳазрат Навоий бугун юртимизда бошланаётган Наврўз тўйимизга оқ фотиҳа бераётгандай туюлади".

Бу юксак таъриф назм мулки султонига, Наврўзи айёмни шарафлаётган халққа эҳтиром белгисидир. Алалхусус, шундай сиймолар руҳи элу-юрт келажагини қўллаб-қувватлаб турган бўлса ажабмас.

... Тенглик тантанаси эса давом этади. Кўклам нафаси серқуёш Ўзбекистоннинг ҳар бир хонадонига кириб боради.



**Суратларда: Тошкентда ўтган Наврўз тантанасидан лавҳалар.**

**А.ТЎРАЕВ суратлари**

## ДИЛФУЗАНИ ЯПОНИЯДА ТАНИЙДИЛАР

Наврўз айёми арафасида газеталарда Президент Ислом Каримовнинг Андижон вилоятидаги Тўрткўл қишлоғида яшовчи Тожибар Матбобоевага мактуби эълон қилинди. Бу аёл қандай жасорат кўрсатибди, дерсиз? Қувонарли жиҳати шундаки, унинг ўн уч яшар қизи Дилфуза Японияда ўтказилган Халқаро болалар асарлари танловида ғолиб чиққан. Ҳазилакам гап эмас — Америка Қўшма Штатлари, Россия, Хитой, Корея, Франция, Австралия каби ўнлаб давлатлардан жўнатилган олти мингдан зиёд расм ичидан у чизган "Маҳаллада тўй" сурвати совринга лойиқ кўрилган.

Ана шу воқеадан хурсанд бўлган Тожибар буни мустақиллик шарофатидан деб билиб, Юртбошимизга мактуб йўллайди. 17 март куни Юртбошимизнинг хатини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси ўринбосари Аҳмаджон Мелибоев Андижондаги Дилфуза таҳсил кўраётган лицейда ўқиб эшиттиради ва қимматбаҳо эсдалик совғаларни топширади.

— Биз учун энг қимматбаҳо совға — Юртбошимиз дастхати туширилган хат. Бу қувонч умримиз охиригача етса керак, — дейди кўзига ёш олиб Тожибар.

Йигирманчи март куни Бадиий академия биносига санъат ихлосмандлари йиғилишди. Дилфузанинг кўргазмага қўйилган "Салом, XXI аср", "Бизнинг қишлоқ", "Натюрморт", "Манзара" номли сувратлари ўзгача иштиёқ уйғотади. Хиросимада ўтказилган танлов ғолиби Дилфуза Матбобоевага шу шаҳар мэри Тадатоси Акибанинг Фахрий Дипломи, танловнинг биринчи Соврини улуғ байрам арафасида топширилди.

Илиқ сўзлардан ҳаяжонланган Дилфуза буларнинг бари Истиқлол меваси эканлигини эътироф этиб, ўз асарини ижобий баҳолаган ҳайъат аъзоларига ташаккурини баён қилди.



Кунчиқар мамлакати нуфузли танловида Андижоннинг олис бир қишлоғида яшовчи Дилфузанинг биринчи Совринга эга бўлиши барчамиз учун қувонарлидир. Айниқса, япон тасвирий санъат мутахассислари бундай танловларга жиддий муносабатда бўладилар.

Хиросима фожеасидан сўнг Японияда болаларни сурват чизишга қизиқтиришга катта эътибор қаратилди. Негаки, урушга, бундай мудҳиш фожеаларга қарши болаларгина энг одил, энг фалсафий муносабатни билдира оладилар. Болалар сўзамолликни билишмайди, улар сувратлар тилида, ранг-баранг бўёқлар тилида сўзлайдилар, холос. Бола кўнгли разолат билан мутлақо чиқишолмайди. Бола дунёни шу қадар теран, шу қадар мукаммал ҳис этадики, унда маҳорат бўлса, чизган сувратларига кўз ташлаган ҳар қандай инсон юраги орзиқиб кетади...



Дилфуза чизган расмларда ёруғ ранг, келажакка умидворлик, мухтасар қилиб айтганда, қувончнинг тасвири кўзга яққол ташланади. Эҳтимол, ўша ранг боис, ўзбекона соддалик, осуда ҳаётга, мусаффо осмонга талабгорлик ҳисси нуфузли ҳайъат аъзоларини ҳайратга солгандир.

Оққан дарё оқмай қолмас, дейдилар. Бир вақтлар дунёни ҳайрону лол қолдирган улуғ бобомиз Камолиддин Беҳзод ҳазратлари издошлари аста-секин камолга етаётган бўлсалар ажаб эмас. Ажабмаски, ўзбек тасвирий санъат мактаби дунёга ўз сўзини айтса... Кўзларида ишонч барқ урган Дилфуза синглимиз кўклам элчиси — Бойчечак жасорати ила ана шу ҳақиқатни аср адоғида жаҳонга намойиш этди.

**Ўз мухбиримиз**

